

## Бозорга кираётанда ўқиладиган дуо

09:58 / 16.01.2019 2751

Ассалому алайкум! Қадрли устозлар, устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳни бир видео марузаларида бир дуони айтганлар. Шунини тўлиғлигича ёзиб жўнатишингизни илтимос қиламан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким бозорга кираётиб ла илаха лилолоҳу ваҳдаҳу... қолганини жўнатишингизни сўраб қоламан.

**"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом!

نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ نَعُودُ  
مَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ وَمَلَسَ  
الْأَقْفَاقُ وَالْقَوَسُ وَاللَّحْدُومُ وَالْأَقْفَاقُ  
هُوَ كَيْرَشُ الْهُدُوحِ وَاللَّحْدُومُ وَاللَّحْدُومُ وَاللَّحْدُومُ  
يُحْيِي دُمُحْلًا هَلَاوُ كَلْمًا هَلَاوُ  
وَدَيْبُ أُتُومِي الْيَحْوَهُو أُتُومِي وَ  
أُرِيْدُقِي شَلْكَ يَلَعِ وَهُوَ رِيْحُ الْ

يُنَسِّحُ فُلًا فُلًا هَلْ هَلْ لَّا بَتَكَ

يُنَسِّسُ فُلًا فُلًا هُنَّ أَحْمَو

يَفُو يَفَجَرْدِ فُلًا فُلًا هَلْ غَفَرَو

فُلًا فُلًا هَلْ غَفَرَو» لَدَبُ يَفِي أَوْر

يَفِي أَتِيْبُ هَلْ يَنْبَو» «يَفَجَرْدِ

يَفِي ذِمْرَتِ لَّا هَاوْر. «يَفَجَرْدِ لَّا

Умар [розияллоҳу анҳудан](#) ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бозорга кирганда «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, юҳйи ва юмийту ва ҳува ҳайюн лаа ямуту, биядиҳил хойр ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр» деса, [Аллоҳ](#) унга миллионта ҳасана ёзади ва ундан миллион ёмонликни ўчиради ҳамда уни миллион даражага кўтаради», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Уни миллион даражага кўтаради» ўрнига «унга [жаннатдан](#) бир уй қуради», дейилган.

Термизий ривоят қилган. ("[Ҳадис](#) ва Ҳаёт" [китобидан](#)). [Валлоҳу аълам!](#)